

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус
Таълим Вазирлиги

Мизо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети
Журналистика Факультети



КУРС ИШИ

Мавзу: Телевизион суҳбат

Бажарди: Файзуллаева Камола.

2-курс 202 гуруҳ талабаси

Тегиширди: Абдусагатов Ф.Х,

Тошкент – 2013

Мавзу: Т Е Л Е В И З И О Н С У Х Ъ А Т

Режа:

Кириш.

1. Журналистикада телевизион суҳбатнинг ўрни ва аҳамияти.
2. Телевизион суҳбатга қўйиладиган талаблар.
3. Суҳбат жараёнида журналистга қўйиладиган талаблар.

Хулоса.

Фойдаланилган ададбиётлар рўйхати.

Кириш

Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва гояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз.¹

Ўзбекистонда телевидениенинг иш бошлаши жамиятнинг ижтимоий-маданий ҳаётида жуда катта воқеа бўлди. Тошкент телестудияси ўз фаолиятини бошлаган йиллар мамлакатда ясама кўтаринкилик кайфияти ҳукм сураётган, сохта шиорлар авж олган, айниқса, ёшлар ўртасида романтик завқ-шавққа берилиш кучайган даврга тўғри келади.² Донишмандлар инсон қалбини “Олами кубро, яъни олам ичидаги энг катта олам” деб аташган. Ўзи жисман заиф бўлса-да, фикр-шуури осмондаги юлдузларга етадиган инсон қалам билан янада шарафланади, обрў-эътибор, эъзоз топади.

Ҳаётда қанчалик қулайликлар кўпаймасин, электрон воситалар бизни нечоғлик қуршаб олмасин, журналист сўзининг, қаламининг мавқеи пасайгани йўқ. Шу боис бу соҳага қизиқиб, риёзатларни бўйнига олувчилар кам эмас. Жадал ривожланаётган ахборот бозорида бошқа ОАВ қатори телерадио соҳасининг ҳам ўз ўрни бор. Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда 32 та телестудия, 24 та телерадиостудия, 15 та радиостанция, 36 та кабелли телевидениедан иборат давлат ва нодавлат ЭОАВ фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини белгилашда журналистларимизнинг ўрни беқиёс бўлмоқда. Зеро, журналистиканинг асосий моҳияти деганда ОАВ орқали долзарб маълумот тарқатиш мақсадида амалга ошириладиган ижтимоий фаолият тушунилади. Шу фаолият доирасидаги касблар (мухбирлик, репортёрлик, адабий

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Тошкент, 2010, 28-бет

² Рахматуллаева И. Телевидение ва ёшлар: кеча ва бугун. – Т.: Янги аср авлоди, 2005, 11 бет

муҳаррирлик ва ҳақозо) мажмуи бугун жамиятимиз нафасини акс эттираяпти. Журналистлар тарқатган маълумотлар ва олға сурган мулоҳазалар жамоатчилик фикри ва дунёқарашини шакллантиради, турли-туман воқеалар, жараёнлар ҳақида, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий тараққиёти тўғрисидаги тасаввурларни пайдо қилади.

Мустақиллик йилларида ўзбек журналистикаси ўзига хос йўлдан борди. У шўролар даври қаламқашлигидан фарқли тарзда, ортиқча шов-шувларга, эҳтиросларга берилмай, воқеликнинг моҳиятидан келиб чиқиб чуқур таҳлилга асосий эътибор қаратмоқда. Бунини тележурналистлар Комилжон Шамсиддинов, Моҳинисо Камолова, Фарход Бобожонов ижоди мисолида кўриш мумкин. Яна шуни айтиш керакки, бугун ўқувчининг дунёқараши ҳам ўзгарди, энди у ижодкордан ўзига хос таҳлилий фикр кутмоқда. Шу боис журналистика ҳам ана шунга муқобил тарзда ривожланиши кузатилмоқда.

Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз.³

Журналистика касбининг бурчи ва масъуляти ўта юксак, чунки у омма билан “сўзлашади”, катта, ўз фикрига эга аудитория билан ишлайди. Энг асосийси, журналистнинг биринчи бурчи – ҳақиқатни, воқеликни объектив талқин қилишдир. Ижодкор ҳамиша ўзига яраша орзу-умидлар билан яшайди. Унинг ҳаёлида рўёбга чиқиши мушкул бўлган асарлар ҳам бир кун амалга ошиб қолиши ҳеч гап эмас. Фақат, қийинчиликдан қўрқмай биринчи қадамни боса олиши керак, холос.

³ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. Б.28.

Эндликда эса мустақиллик айёмининг 20 йиллигига тайёргарлик ишлари матбуотимиздан жой олган. Энг муҳими, барча ижодкорларимизнинг фаоллигини алоҳида қутламоқ керак.

Мен ҳам ана шу фидойи, ўз касбига лойиқ инсонлардан бири бўлишни истайман. Машҳур ёзувчи Бальзак бир ўринда “Ўз устида ишлаш шиддатли, ижод соҳасидаги изланиш, ундаги барча кучнинг зўр берилишини талаб қилади. Гўзал асарни ўйлаш, фикрлаш, орзу қилиш – азобли машғулот...” деган эди. Насиб этса мен ҳам ана шундай санъат ярата оладиган ижодкор бўлишни орзу қиламан. Шу орқали мени тарбия қилган ота-онам ва устозларим, маҳала-қўйим ва элимнинг ишончини оқлайман, деб ўйлайман...

Бугунги кунда ҳаётимизнинг барча жабҳаларига ахборот-коммуникация ва компьютер технологияларининг кириб келгани ҳамда жадал ривожланиш йўлига ўтгани жамиятимизга ҳам катта ўзгаришлар олиб кирди. Зеро, бу ўзгаришлар асосини ахборотлаштириш, телекоммуникация ва компьютер технологиялари ташкил этади. XXI аср – ахборотлашган жамият асридир. Дарҳақиқат, республикамиз Президенти И.Каримов, “янги аср – ахборот, юксак технологиялар ва замонавий билимлар, олдимизда очилаётган янги истиқболлар асридир”⁴, - дея бежиз таъкидламаган. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда ахборотнинг тез ва сифатли айланишини таъминлаш мамлакат тараққиёти ва равнақининг бош мезонига айланмоқда.

Ҳозирги вақтда ахборот ва хабарларсиз ишлаб чиқариш ривожланишини тасаввур қилиб бўлмайди, ахборот майдони жамият ҳаётига ўзининг жиддий таъсирини кўрсатмоқда. Шунинг учун ахборот, хабар фан ва ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим соҳаларидан бирига айланди. Ундан самарали фойдаланиш йўллари ва имкониятларини топиш жамият тараққиётининг барча соҳалари ва айниқса, иқтисоднинг зарурий асосини ташкил қилади. Хабар жанри ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиётнинг муҳим омилидир. Шу сабабли ҳам у инсон тафаккурига турли йўналишларда таъсир

⁴ Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. -Т: Ўзбекистон, 2003. -54 б.

ўтказувчи, инсоният ҳаётини, тақдирини у ёки бу томонга буриб юборувчи, гоҳ ижобий гоҳ салбий моҳият касб этувчи қудратли воситага айланди.

Президентимиз И.Каримов «ҳозирги ахборот, коммуникация ва компьютер технологиялари асрида, интернет кундан-кунга ҳаётимизнинг барча жабҳаларига тобора чуқур ва кенг кириб бораётган бир пайтда, одамларнинг онги ва тафаккури учун кураш ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган бир вазиятда бу масалаларнинг жамиятимиз учун нақадар долзарб ва устувор бўлиб бораётгани ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат йўқ»⁵, -дея таъкидлайди.

Ахборотнинг юзага келиши ҳамда ривожланишида ҳисоблаш техникаси ва бошқа техник воситаларнинг ўрни бекиёс, чунки ахборотлар бевосита ҳисоблаш техникаси ёрдамида қайта ишланади. Алоқа ва телекоммуникация воситаларининг ривожланиши, электрон-ҳисоблаш техникасининг вужудга келиши ва ҳаётнинг турли соҳаларига кириб бориши ахборотнинг кенгрок тушунчасини ишлаб чиқишни талаб этди.

Ҳозирги пайтдаги замонавий илмий адабиётларда хабар жанрининг кўплаб таърифлари мавжуд. Аммо уларнинг барчаси мунозарали томонларга эга. «Оккам устараси» тамойилига кўра, «моҳиятларни заруриятдан ортиқ кўпайтириш мақсадга мувофиқ эмас», ахборот субъект-объект муносабатлар жараёнида, субъект «мақсадга қаратилган ҳаракатларни ўргана бошлаганда»⁶ вужудга келади. Субъект тушунчаси барча жонли тизимларга нисбатан ишлатилади.

Суҳбат информацион жанр – интервьюнинг мантикий давоми бўлиб, ёритилаётган мавзунинг мазмун моҳиятини чуқур очиб бериши, таҳлилий мулоҳаза ва мушоҳадага асосланиши, ҳаётнинг чуқур қатламларини акс эттириши билан ундан ажралиб туради ҳамда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига доир масала ва муаммоларни ёритишда оммавий ахборот воситаларининг энг оммабоп, энг таъсирчан қуроли бўлиб хизмат қилади.⁷

⁵ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. -Т.: Ўзбекистон, 2005. -194 б.

⁶ Моисеев Н.Н. Расставание с простотой. -М., 2000. -С.106.

⁷

Суҳбат ҳажм жиҳатидан интервьюга қараганда кенгроқ бўлиб, унда суҳбатдош томонидан айтилган факт, билдирилган маълумот ҳақида батафсил, кенгроқ сўз юритилди, келтирилган факт, баён этилган воқеа, ходисалар чуқурроқ таҳлил этилади. Суҳбат мавзуси жиҳатидан ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади. Унда ижтимоий - сиёсий, иқтисодий – ишлаб чиқариш, маданий – маънавий, фан – техника, адабиёт ва санъат, спорт ва бошқа барча ижтимоий соҳалар ўз ифодасини топади. Оммавий ахборот восителарининг бошқа барча турларида кенг тарқалган мазкур жанрда ижтимоий ҳаётнинг кичик бир масаласидан тортиб чуқур мауммоларигача акс эттириши мумкин.⁸

Телевизион суҳбат ҳам худди интервью сингари турли кўринишларда бўлиши мумкин. У асосан икки хил – суҳбат – диалог ва суҳбат – монолог шаклида кўп учрайди. Табиийки суҳбат диалог икки киши – мухбир ва суҳбатдошнинг ўзаро савол – жавоби тарзида бўлади. Бу - оммавий ахборот воситаларида энг кўп учрайдиган кўриниши ҳисобланади. Бунда мухбирнинг суҳбатлашилаётган масаланинг моҳиятини илғаб олиши ва суҳбат оқимини шунга қараб бошқариши, мавзунини иложи борида кенгроқ ва чуқурроқ очиб бошқариши лозим бўлади. Телевидение экранларидан доимий жой олиб келаётган бу хилдаги суҳбатларда жамиятимиз ҳаётининг барча муҳим соҳаларида олиб борилаётган ишлар, илмий изланишлар, ижодий янгиликлар, ҳал қилиниши лозим бўлган масала ва муаммолар ўз ифодасини топмоқда. Доимий равишда ўтказиб борилаётган конференциялар, янги асарларнинг тақдимотлари, турли муҳим мавзуларга бағишланган суҳбатлари ва бошқаларни ёритишда ҳам суҳбат – диалогдан кенг фойдаланилади. Бир ёки бир неча шахс билан олиб борилган фикр алмашиш натижасида кўпчилик билан олиб борилган суҳбат ҳам ёзилиши мумкин. Суҳбатнинг бу кўриниши ижтимоий – иқтисодий, маданий – маънавий ҳаётининг турли масалаларига бағишланган бўлиб, оммавий ахборот воситларида “Юмалоқ стол атрофида”, “Бахс, мунозара” каби ва бошқа рукнлар остида бериб борилади. “Тўғридан –

⁸ Санжар С.Радиожурналистика асослари. –Тошкент, 2009, 34 -бет

тўғри мулоқот” руқни остида бериладиган суҳбатда эса бирор бир давлат арбоби кўпчилиқнинг саволларига жавоб беради.

Телевидениемиз Ўзбекистон мунтазам кўрсатувларини асосан 1930 йиллардан кейин бошлади. Бу вақт оралиғида телевидениеда кайтга ўзгаришлар деярли сезилмади. Аммо, иккинчи жаҳон урушидан сўнг аниқрок қилиб айтадиган бўлсак, Тошкент телевизион маркази 1956 йил 5 ноябрда ишга туширилди. Шу куни кечқурун Тошкентда зангори экраннинг чироғи ёнди ва биринчи телевидение диктори (суҳандонлари) Иқбол Олимжонова ўзбек тилида хабарлар берган бўлса, Юнона Сталярова рус тилидаги эшиттиришларни бериб борган.⁹

Суҳбатнинг яқка шахс фикр – мулоҳазаларини ифода этувчи монолог шаклида эса муҳбирнинг битта саволига суҳбатдош атрофлича жавоб бериши мумкин. Бунда ҳам шу куннинг муҳим масалалари, жумладан, қабул қилинган янги қонунлар, амалга оширилаётган тадбирлар, ишлаб чиқариш соҳасидаги янги тажрибалар ўз ифодасини топиши мумкин. Бундай шаклдаги суҳбат сўнгида муҳбир шарҳи ҳам илова этилиши мумкин.

Ҳаёт тирик табиатнинг пайдо бўлиши, тирик табиатда ахборот ва ўз-ўзини ташкиллаштириш тизимларининг алоқадорлиги, ахборот назарияси ва мувозанатсиз термодинамик ёндашувларни қўллаш масалаларига оид кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Уларнинг кўпчилигида биологик тизимларга нисбатан ўз-ўзини ташкиллаштириш тизимларида суҳбатнинг пайдо бўлиши муаммоси ҳамда унинг аҳамияти ўрганилади. Уларда миқдорли суҳбат символлар сақланишини таъминлайди, аммо хабарнинг маъноси ва кадр-қиммати четда қолдирилади. Тадқиқотлар натижасида биология учун суҳбат ва суҳбатдошнинг миқдори эмас, балки кадр-қиммати муҳимлиги аниқланди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, суҳбат турли, ранг – баранг кўринишларга эга бўлиб, улар ижтимоий ҳаётни кенг ва чуқур ёритиш, ундаги муҳим факт, воқеа ва ҳодисалардан ўқувчиларни хабардор қилиш, жамоатчилик фикрини уйғотишга хизмат қилади. Суҳбатни тайёрлаш

⁹ Ибрагимов Ш.М. “Тележурналистика асослари” маърузалар матни. – Тошкент, 2000, 32-бет.

жараёнида суҳбатдошга ўша масала ва муаммоларнинг моҳиятини очиш учун зарур бўлган саволларни бериб, тегишли жавоб олабилиши лозим. Суҳбатда тилга олинаётган масалларнинг моҳиятини очиб бериш, жамоатчиликка янги фикр ва мулоҳазалар айтиш, зарур хулосалар чиқариш учун журналистдан ўзи сўз юритаётган соҳани чуқур билишни, шу билан биргаликда ўткир сўз ва қалам эгаси бўлишни талаб этади.

Суҳбатнинг ички тузилиши унинг мавзуси ва журналист томонидан танланган шаклдан келиб чиқади. Бу борада тайёр, кўп учрайдиган шаблон тузилишлардан қочиб оригинал, ижодий услуб топилиши лозим. Суҳбатнинг тили масаласига келсак у одатда жиддий, тилда ёзилади. Зарур ҳолларда, материалнинг таъсирчанлигини ошириш учун айрим ўхшатиш, жонлантириш, муқояса этиш каби тасвирий воситалардан, образли ва иборалардан фойдаланиш мумкин.

Мустақил Ўзбекистон телевидениесида суҳбат жанридан кенг фойдаланиб келинмоқда. Бу оммабоп жанр республикамиз оммавий ахборот воситалари учун ижтимоий – иқтисодий ва маданий – маънавий соҳалардаги масала ва муаммоларга жамоатчилик фикрини уйғотиб, уларни ҳал этишда кенг хизмат қилиб келмоқда.

Муҳимларнинг муҳими репортёрнинг интервьюга изчил киришувидир. Гап мавзуси ҳақида у бкмалол фикр лайдиган, хатто у ҳақида интервью берувчидан кам билмадиган бўлиши керак. Фақат масаланинг моҳиятига тушуниб етадиган инсонгина салмоқли савол қўя олиши мукин. Илк, дастлабки савол баъзан бошқаларга жуда жўн, содда бўлиб туюлиши мумкин, аммо журналистнинг бундай савол қўйишдан мақсади бўлади. Интервьюга тайёрланиш дегани, берилган саволга қандай жавоб бўлишини олдиндан тахминий бўлса ҳам билиш деганидир, бундай ҳоллар кейинги муқобил саволларни ҳам аввалдан хозирлаб қўйиши мумкин. Журналист гап тайинли масала ҳақида кетадиган интервьюларга, масалан, тайинли лойиҳа

ёки давлат комиссиясининг иши ҳақидаги интервьюларга ҳам тайёргарлик кўрмоғи лозим.¹⁰

Аввал муҳокама қилинмаган ҳукумат ёки парламентнинг таклифлари ҳақидаги суҳбатга тайёргарлик кўриш ҳаммасидан қийин, бироқ бу ҳолатда ҳам репортёр мавзу ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиши талаб қилинади. Бу ўринли саволлар бериш ва қиёсий изох беришга имкон яратади. Ҳозирлик кўришнинг яна бир йўли мазкур соҳани яхши ўзлаштирган кишилар билан суҳбатлашиб, маълумот тўплаш ёки интервью берувчи киши билан олдиндан суҳбатлашишдир.

Ҳозир радио ва телевидениеда олдиндан интервью тамаси тез – тез ишлатиб турилади, бунинг маъноси дастурни олиб борувчи тадқиқотчи журналистнинг интервьюга таклиф этилган кимса билан то кўрсатув ёки эшиттириш ёзиб олингунга қадар уюштирилган суҳбатдир. Бу олиб борувчи ёки репортёрга масалани қанчалик тўғри қўйилганини аниқлаш, маълумотларни текшириб кўриш имконини бериш билан бирга суҳбатдишининг ҳам мўлжалланаётган мавзунини тасаввур қилишига кўмак беради. Бу йўсин журналистга ўша соҳада билим олиш ва суҳбат мавзусига кириб бориш имконини беради. Маълумот тўплаш учун ўша шахснинг дўстлари билан суҳбат, ишдошлари билан учрашиш, қаҳрамонининг аввалги интервьюларини эшитиш ва кўриш, унинг моқалалари ва нутқларини кўриб чиқиш кабилар тайёргарлик ишларининг табиий таркибий қисмларидир.

Журналист биринчи навбатда қандай интервью олмоқчи, нима ҳақида, мақсади нима эканлигини белгилаб олиши шарт. Бу дегани, нима эканлигини белгилаб олиши шарт. Бу дегани, журналист олиндан бериладиган саволларни белгилаб, ёзиб қўйиши деганидир. Атрофлича идрок қилинган, қисқа, лўнда ва жўн саволар энг яхши саволлардир. Масалага киришишда баъзан журналистнинг қизиқувчанлиги иш беради: мен анчадан бери билишга қизиқардимки ёки бизнинг тингловчиларимиз ёхуд томонабинларимизга мана бу нарсаларни билиш қизиқарлидир....

¹⁰ Ибрагимов Ш.М. “Тележурналистика асослари” маърузалар матни. – Тошкент, 2000, 32-бет.

Хар бир савол масаланинг фақат бир томонига тааллуқли бўлмоғи жоиз. Бирваракайига икки саволни қўйсангиз, интервьючи ўзига нобоп бўлган саволдан сирпаниб чиқиб кетишга имкон берасиз ва аслида бир саволга жавоб олишингиз мумкин. Савол сўроқ оҳангида бўлиши, зинҳор тасдиқ оҳангида бўлмаслиги муҳим. Саволни қўйишда интервьючининг ўз фикрини, ҳиссини, бошидан кечирганини баён қилиши учун имкон бўлишини ҳисобга олмоқ керак.

Саволлар холис бўлмоғи зарур. Ана шундагина интервьючи суҳбатнинг марказида бўла олади, борини тўкиб солади. Журналист қараши бўёғи билан суғорилган савол эса, суҳбат марказига журналистнинг ўзини қўяди.

Интервьюга тайёрланишнинг йўлларида бири – тузилган саволларга ўзининг жавоб бериб қўриши. Ўзинг ўша саволга жавоб бера оласанми? Мана шу кичик тест журналистни интервьюни кўнгилдагидек ўтишини таъминлайдиган навбатдаги муқобил саволларга етаклайди. Бунда унинг ҳамкасблари журналистга ахборот берувчи сифатида саволар берадилар. Мана шундай иш билан боғлиқ ўйинлар уларда баъзан масала билан яхши боғланмаган умумий жавоблар бериш малакасини ҳосил қилади. Интервьюни касбдошлар доирасида қўйиб қўриш – тасодифий, кутилмаган ҳолатларга тайёрланишнинг энг яхши йўлидир. Бундан ташқари, журналист ушбу жараёнда – бир неча дақиқа давомида ўзи тузган саволларнинг долзарблиги ва тўғрилиги борасида қаноат ҳосил қилиши мумкин.

Интервьюга тайёргарлик асносида сиз фақат саволлар тузиб, уни қайд қилиб қўйиш билан чекланмайсиз, балки унинг тузилишини ҳам пухта ўйлаб қўясиз. Журналист суҳбат жараёни тартибини, унинг тугуни, якуни ва суҳбат асносини драматургия қоидаларига асосан ишлаб чиқади. Бу хусусан, оммавий ахборотнинг электрон воситалари учун муҳимдир. Чунки бунда савол ва жавоблар кўпчиликка эшитилиб туради. Тўғри, ҳозирги кунда радиожурналистика ҳам монтаж қилиш мушкул иш эмас, ҳатто телерепортёр ҳам монтаж кўмагида суҳбатни ўзи истаган тарзда бера олиши мумкин, барибир, аслида саволларни мантиқий изчиллик асосида берган маъқул. Ана

ўшанда, интервьюнинг сифати анча яхшиланади. У муайян тартибли ва пухта бўлади.

Иккичи бир содда, жўн, табиий бир савол бу, “нега”? бўли, уни жамиятда тортишув ва мунозараларга саба бўлган муаёян қарор қабул қилинишидаги маъсул шахсларга бериш мумкин. Қандайдир муҳим ва кизиқарли ходиса рўй берар экан, ҳар биримиз уни нега ва қандай содир бўлганлигини билгимиз келади. Шунинг учун ҳам ушбу икки савол кўрсатилган вазиятларда суҳбатни бошлаш учун қўл келади.

Суҳбат охирини эса келажакка қаратилган “Энди нима қилмоқчисиз?”, “Кейинги қадамнингиз қандай бўлади?” каби одми саволлар билан тугатиш мумкин. Ажабланарлиси шундаки, жўн саволар бериш, энг дадил ва тажрибали журналистларга хосдир.

Пухта тайёргарлик кўрилган интервьюда уни тадрижий тартибли ва мантиққа мос бўлишини таъмин этадиган бир неча асосий саволлар бўлади. Бундай саволлар интервьюнинг устунлари, унинг драматургик заминидир. Шунинг билан бирга унда муқобил ёки кезакдаги саволлар деб аталувчи сўроқлар ҳам бўлади. Булар суҳбатдош жавобига уйғун ҳолда излҳловчи, аниқловчи ёки рад қилувчи саволлар бўлади. Бу саволларни тайинли бир интервью учун олиндан тайёрлаб қўйиш ёки муштарак бир шаклни ишлаб чиқиш мумкин.

Интервью тахлилини уч ўлчамда ўтказиш мумкин: Асосийси – мавзу, олдиндан ўйлаб қўйилган муқобил ва кутилмаган саволлар. Интервьюнинг устунини суҳбатни бошловчи, уни ривожлантириб боровчи ва якунловчи олдиндан тайёрлаб қўйилган асосий саволлар ташкил этади. Иккинчи ўлчам, олдиндан тайёрланган муқобил саволлар бўлиб, улар “агар суҳбатдошим бундай деса, бу саволни бераман, агар бошқача жавоб берса, мана бунисини бераман, яна бошқачароқ сўзласа, унда уни – буни сўрайман” кабилида тузилган бўлади. Учинчиси, кутилмаган, вазиятдан келиб чиққан саволлар. Бу интервьюдаги ўйлаб қўйилган саволингизгаҳеч кутилмаган жавоб оласиз ва бу жавобга сиз тезлик билан муносат билдиришингиз керак. Интервью

давомида доимо кутилмаган нарсаларга шай турмоқ лозим. Интервьюда кескин, ғавқулотда ўзгариш суҳбатнинг қизиқарлилиги белгисидир. Ана шундагина суҳбат ҳеч кутилмаган тус олади, демак, вазият юмшайди ёки аксинча, кескинлашади.

Интервьюга жон бағишлаш учун, суҳбат маромига мос саволлар бериш учун репортёрда тинглаш қобилияти бўлмоғи керак. Интервьюга тайёргарлик кўриш, саволлар тузиш – у уни ёзиб олиш бу ишнинг ярмидир. Ўз суҳбатдошини жон қулоғи билан тинглаш муваффақиятли интервьюнинг иккинчи ярмидир. Жуда изчил тайёргарлик натижасида репортёр ўз саволларини шунчаки бефарқ бериши ва суҳбатдошнинг жавобини тангламаслиги мумкин. Бундай журналистнинг калласини: “тугат тугуат тезроқ, калтафаҳм, мен беришим керак” деган ўй қоплаб олган бўлади. Бундай ишнинг оқибатида бир маромли, қолинли ва совуқ интервью туғилади.

Тўғридан – тўғри эфирда интервью олиб борувчи ҳар бир журналист унинг суҳбатдошини суҳбат давомида тўсатдан кутилмаган нарсани шапириб юборишидан чўчийди. Тинглаш қобилиятига эга бўлган репортёр айна яоғда вазиятдан чиқиб кетиш истейдодига ҳам эга бўлиши керак. Гап жавобнинг тайинлилик томонидан эмас, балки интервьюнинг хаяжонда томонида. Агар суҳбатдоши маюс, эзилган ҳолатда бўлиб, у пат охангида, гапириш тезлигига уйғун тарзда бўлмоғи зарур. Бнинг аксинча, олимпия ўйинларининг бахтли чемпиони қулоғига ўз саволларини шипшитиб қўйиш ёки унга ғамхўрлик қилишнинг кераги бўлмаса керак. Журналист жавоблар мазмунини, суҳбатдоши кайфиятини кузатиб бора олиши даркор. Интервью чоғида бир дам ҳам ҳушёрликни йўқотмаслик керак: жавобларда кимнингдир шаънига тегувчи, баҳоловчи иборатлар кетиб қолса, уни жавобсиз қолидирмаслик лозим. Бундай ифодаларни журналист ўз вақтида изоҳлаши ёки унга эътироз бўлдириши зарур бўлади. Ноаниқ ифодалар, тушунарсиз атамалар эса ойдинлаштирилиб берилади. Айрим ҳолларда, интервью олиб борувчи журналист суҳбат йўналиши ва услубини кескин ўзгартириши зарурияти ҳам туғилади. Агар суҳбатдоши кўпчилик меҳрини қозониш учун ўзини рўё

кийин аҳволда қолган, таъкиб қилиб кўрсатмоқчи бўлса, журналист интервьюни кимнидир айбловчи оҳангида олиб бориши тўғри юўлмайди. Яна таъкидлайманки, кўп нарса суҳбатдошни тнглаб эшитишга боғлиқ.

Интервью пайтида жойлашишга ҳам эътибор керак. Интервьючига жуда якин ўтирш тасвия қилинмайди. Чунки биринчидан, кадрда сиқиклик вужудга келади. Иккинчидан, суҳбатдошнинг диққатига таъсир қилиб, бемалол жавоб бера олмайди. Бошқа томондан эса, ундан жуда узоқ ҳам ўтирмаслик кеарак, чунки бундай ҳолда зўриқиш, зўраки муҳит ҳосил бўлади. Қандай жойдашишни хал қилишда ўз туйғунгиз ва тажрибангиздан келиб чиқиш яхши. Мухими, иккала томон ҳам ўзини қулай ва эркин сезсин. Репортёр суҳбатдошининг кзига қарай олишни ҳам билиши муҳим.

Телевизион интервьюда интервьючи саволларга жавоб берер экан, кўзларини ҳар томон ўйнатиб қарамасдан ёки тошдай қотиб камерага тикилмасдан журналистга қараб бемалол сўзлагани маъкул. Интервью бериб кўникмаган кишига камера олидида ўзини бандай тутуиш кеарклиги тушунтирилади. Агар суҳбатдошингиз гаприб туриб, сизнинг кўзларингизни изласа, унинг қарашини сиз ҳам қабул қилишга ўрганинг. Суҳбатда энг муҳим фикрларни қолдириб, тайёр концентратга аниқ маълумотлар ва тафсилотлар қўшинг.¹¹

Радиорепортёр, суҳбатдошининг гапларини бошини кимирлатиб ёки табассум билан маъқуллаши мумкин, бироқ тележурналист шундай қилса. Томошабиннинг энсаси қотади ва суҳбатни илғаб олишига халақит беради. Суҳбатдошнинг сўзини чала қолдириб бўлиш ярамайди, ўнга фикрини охиригача айтишга имкон яратиш керак. Бу фақат суҳбатдошга бўлган эҳтиромнигина намаён қилиш бўлмай, мантаж жараёнини ҳам енгиллаштиради. Икки овоз бирданига гапириб турган, бир овоз иккинчисини бўлиб турадиган ёзув билан ишлаш кейин кечади. Албатта баъзан сўзга тушиб кетган сўзамол суҳбатдошни бўлиб қўйиш зарурияти бор. Бироқ, буни майин оҳанг билан, имкони бўлса, бўлиш сабабини тушунтириб

¹¹ Фихтелиус Э. Журналистиканинг 10 қондаси. – Т.: "Шарқ", 2002, 125 бет

бажариш яхши. Малакали репортёр суҳбатдошини нафасини ростлаш учун бироз дам олишини кутиб туради.

Суҳбатдошни эътибор билан тинглаган малакали репортёр суҳбат давомидаёқ баъзи қисқа ва мазмунли ифодаларни танлаб олиб, интервьюнинг дастлабки ёки охирги жумласи сифатида фойдаланиши мумкин. Шундай бўлганда, журналсит хали суҳбат чоғидаёқ монтаж ишларини хаёлан бошлаб юборган бўлади.

Хар бир журналист унинг интервьюси бемалол ва табиий суҳбат шаклида ўтишини хоҳлайди. Бироқ, тан олмоқ кеаракки, бунга эришиш кийин кечади. Репортёр ҳам суҳбатдош ҳам бу икки кишининг одатдаги суҳбати эмаслигини, уларнинг хар бир сўзини томошабин ва тингловчи кузатиб турганлигин хис этадилар. Ҳатто жуда эмин – эркин, табиий ҳолда ҳам сикрафон ва камера бу суҳбат оддий эмаслигини эслатиб туради. Микрофон қаршисида махмадона сиёсатчи дудкланиб, тутилиб қолиши, телестудия вазирни ҳам ваҳимага тушириши мумкин.¹²

Журналистлар диорасида интервьюни “синхром” деб ҳам аташади. Бу амаманинг пайдо бўлиши илдизлари хали овозлар алоҳида махсус тасмаларга ёзиладиган дастлабки овозли фильмлар дариға етиб боради.

Қарашлар интервьюси – интервьюлар ичида энг кенг тарқалгани. Бунда суҳбатдош машҳур сиёсатчи ва олим анийи чоғда ҳеч ким танимайдиган ўткинчи бўлиши мумкин. Бундай интервьюдан мақсад интервьючининг аниқ бир масала бўйича фикрини билишдир.

Бундай интервьюларни мураккаблаштириб юбориш ярамайди. Унинг мақсади интервьючиларнинг қарашларини ифодалашгагина қаратилган. Саволга жавоб бераётган кишининг фикрини кейирок, бошқа қарашлар билан тўқнаштириш ёки репортёр кенг тарқалган услублардан бири бир суҳбатда икки томонини ҳам акс эттириш бўлиб журналсит саволларида бир – бирига зид қарашлаш акс этган бўлиши керак. Интервьюнинг бу турида журналист сиёсатчига икки сиёсий қарам – қарши кутбга эга бўлган саволар билан

¹² Фихтелиус Э. Журналистиканинг 10 қондаси. – Т.: “Шарқ”, 2002, 125 бет

муражат қилса, йирик муассаса раҳбарига акционерни ҳамда ташкилот ишчиларини қандай ташвишлари борлиги ҳақида сўраши жоиз. Бу ҳолатларда журналст суҳбатдошнинг далил ва исботларини эшитиш учун савол беради.

Махладона сиёсатчи суҳбатда уни сиқиштириб талвасана тушириб қўйиш учун ҳам журналист хужумкор йўлни танлаши мумкин, лекин кўчадан ўтаётган одамга нисбатан доим хушмуомала бўлмоғи даркор. Кўпгина журналистлар оддий кишилар билан суҳбатда уларни ранжитмаслик учун кескин, ўткир саволар беришидан ва инкор қилишдан атайлаб қочадилар.

Кўрган киши билан суҳбат бошланишида репортёрнинг жим туриши энг яхши саволдан ҳам кўпроқ самара беради. Айни пайтда бундай интервьюларда репортёрга жуда кўп масъулият юкланади.

Кўрган кишининг суҳбати радио ва телевидениенинг энг ром қилувчи ва қизиқарли амалий томонларидан биридир. Гувоҳ ёки иштирокчининг воқеа – ҳодиса ҳақида ўз сўзлари билан гаприб бериши ва бу ҳақда газетада ўқиш орасида жуда катта фарқ бор. Ушбу вазиятда репортёрнинг вазифаси суҳбатдошнинг гапларини турли саволлар ва луқмалар билан бўлмасдан, охиригача эшитишдан иборатдир.

Бундай интервью тайёргарлик ва уни ўтказиш тартиби бошқаларидан анча фарқ қилади. Бунда интервьючи билан ёзув бошлангунга қадар самимий суҳбат куришнинг иложи йўқ, унга саволлар билан олдиндан танишиб олиш имкони берилмайди, синов суратга олиши имкони йўқ. Энг ашаддий ва ўткир саволдан кейин тутуқиб хонадан чиқиб кетиши ҳам мумкин. Агар, интервьюни айнан шу саволингиздан бошласангиз, усуман интервью олишдан маҳрум бўлишингиз ҳам эҳтимол.

Суҳбат шартларини репортёр билан мулкотдан илгариёқ аниқ ифодалаб, муҳокама этишлари лозим. Токи томонлар суҳбат шартларни ўзгартириш ҳақида бир қарорда тўхтайдиган диққага қадар бош ғоя телевидение учун шакли бўлмоғи зарур. Албатта – да, мана шу ўзига хос ёзилган келишув мухбирни белгиланган шартларга риоя қилишга мажбур этади. Агар

репортёр билан уни ўз мақоласида қандай кўрсатишини келишиб олса, бу ҳам яхши

Танг ахволга туширилган сиёсатчи ёки амлдор кўп ҳолларда “Chtcker”¹³ усулини қўллашади. Бу усул дастлаб Ричарл Никсон томонидан қўлланган эди. Никсон тўрт томонидан бўлаётган сиқув, хужумдан химояланиш учун нутқ сўзлашга қарор қилди.

Интервью олиб борувчи репортёр мазкур улулни суҳбатдоши қўллаб қолишига доим шай турмоғи ва у қўйган тузоққа чап бермоғи керак.

“Chtcker” усулидаги тузоқнинг мақсади ҳам ана шунда. Репортёрга “ўлганнинг устига чиқиб тепавер” деб, таъна қилгандай вазият вужудга келтирилади. Ушбу вазиятдан чиқиб кетишнинг энг қулай йўли – суҳбат мавзусини кесин ўзгартириб, тингловчи ёки томашабинга суҳбатдошининг кўз ёшлари сохта эканлигини кўрсатишдир.

Астойдил ва хотиржам берилган саволлар суҳбатдош ўзича камера ёки микрофон олдида ҳосил қилмоқчи бўлган сохта обрўни тезда чилпарчин қилиши мумкин. Журналистларни айибловчи баёнотида аниқлик киритиши учун берилган қўшимча саволар эса, унинг ўзини тумтарақли усулини фойда қилишга олиб келади. Агар репортёр ўзига қўйилган кўз илғамас саволларни қаторлаштириб, ташлайверса, сўзсиз, интервьючи омманинг мойиллигини қозонади. Тажовузкор саволлар дои кўзланган мақсадга етаклайвермайди. Аксинча, совуққонлик ва ишонч билан берилган ҳамдардлик ва холислик оҳангидаги саволар кўпроқ самара беради.

Белгиланган суҳбатнинг қамраб олувчи масалаларини аввалдан аниқлаш қийин, бу зарур ҳам эмас. Зотан, уларнинг кўпи суҳбатдошнинг жавобидан келиб, чиқади, бундан ташқари доимо кутилмаган ва тўсатдан берилган савол – жавобларга имкон қолдириш заруриятга ҳам бор. Бошқа томондан қаралса, репортёр суҳбатдошига интервьюнинг мақсади, йўсини ҳақида гаприб бериши ва муҳокамадаги мавзунини ойдинлаштириши мумкин.

13 “Chtcker” – шахмат тахтаси

Аслида, интервью беришини сўраган ҳар бир одамингиз суҳбат учун муайян шартларни қўйиш эҳтимоли бор.

Бирмунча мамлакатларда репортёрлар телефон орқали сўзлашувчиларни суҳбат баённомаси учун диктафонларга ёзиб оладилар. Айрим муҳарририятларда буни бир ёзиб оладилар. Айрим муҳарририятларда буни бир истисно деб эмас, балки қоида сифатида қабул қиладилар Ёзиш асносида журналсит суҳбатдошига сўзлашув ёзиб олинаётгани ҳақида шама ҳам қилмайди. Бу ҳолатда диктофон ён дафтарча вазифасини ўтайди. Бундай ёзув оммалаштириш учун, эфир учун мўлжалланилмайди. Агар суҳбатдошинингиз сизга сўзлашувимиз ёзиб олинayптими, деб сўраб, қолса, жавобдан ўзингизни олиб қочманг, яхшиси, амалий мақсадлар юзасидан ёзиб олинayпти, деб тўғри жавоб беринг.

Ва ниҳоят, муаллифнинг аччиқ тажрибаси тазйики билан бир неча ҳаётий маслаҳатларини қабул қилинг:

Интервью беришдан аввал батареякаларни текшириб кўринг, ғамлаб олишни ҳам унутманг!

Интервью бошланганда, магнитофон ёки камерангиз ишга туширилганига қаноат ҳосил қилинг!

Интервью давомида имкон топиб, тасмага овоз ёки тасвир ёзилаётганини текшириб кўринг!

Интервьюни қуйидаги савол билан тугатишга одатланинг: - суҳбатимизда ҳеч нарса эсимиздан чиқиб қолмадими? деган саволлар билан мурожат қилинади ва интервью олинади.¹⁴

Кўпчилик кишилар интервью беришдан чўчийди. Чунки бунга асос ҳам бор. Агар журналист ўз ишининг профессионали бўлса, у ҳолда суҳбатдошини барча саволларга жавоб беришига кўндиради. Бунда у одоб доирасида иш кўриши лозим. Жаҳон профессионал журналистлари ўтказган таҳлил натижаларига кўра, энг кўп муаммо айнан интервью берилгандан сўнг

¹⁴ Фихтелиус Э. Журналистиканинг 10 қоидаси. – Т.: "Шарқ", 2002, 125 бет

келиб чиқар экан. Жаҳон тажрибасида асосан қуйидаги муаммолар кўп учрайди:

Қисқа ва маънисиз жавоблар :

- Баъзан суҳбатдош ҳаддан зиёд қисқа жавоб беради ёки мутлақо жавоб бермайди;
- журналист учун энг яхши усуллардан бири – унинг кўзларига тикилиб жимгина кутишдир. Бунда у кўпроқ натижага эришади;
- бундай ноқулай вазият суҳбатдошингизни яна нималардир айтишига мажбур этиши мумкин.

Сўзамоллик ҳам баъзан жавоб бермаслигининг бир кўриниши ҳисобланади:

- баъзан суҳбатдошингиз атайин вақтни чўзади, ҳамма нарса ҳақида гапирди ва айни пайтда ҳеч нарсани гапирмаслиги ҳам мумкин (асосан сизни қизиқтирган саволларингизга умуман кераксиз, аҳамиятсиз жавоб бериши ҳам мумкин);
- суҳбатдошингизни сўзини лутфан бўлишга ва эътиборини мавзуга қайтаришга ҳаракат қилинг;
- саволингизни яна бир марта такрорлашдан эринманг (чунки агар саволни ўз вақтида бермасангиз у ҳолда суҳбатдошингиз мазкур саволлар умуман жавоб бермаслиги ҳам мумкин, балки бу савол уни қизиқтирмас...)
- мазкур саволни иложи борича бошқача тарзда такрорлашга ҳаракат қилинг.

Агар булар ҳам суҳбатдошингизга қор қилмаса, унинг сизга сўзлаётган сўзларининг қизиқиши йўқлигини намойиш қилинг:

- агар бу вақт давомида ёзаётган бўлсангиз ёзишни тўхтатинг (бу ҳолат албатта суҳбатдошингизга таъсир кўрсатади, ва уни ўйлантиради, нега бундай бўлди):

- ҳолатингизни кескин ўзгартиринг (яъни жидди роқ ва бир вақтнинг ўзида унинг сўзларига бе парволигингизни кўрсатинг).¹⁵

Бу тартиб – қоидалар албатта ўз натижасини беради. Агар журналист ҳақиқатдан ҳам олиб бораётган суҳбатига қизиқса. Суҳбатни юзаки тарзда олиб бораётган журналистлар эса бу тартибга риоя қилмасалар ҳам бўлади. Балки улар томонидан ташкиллаштирилган суҳбатнинг унчалик аҳамияти йўқдир. Нима бўлганда ҳам журналист ҳар қандай вазиятда албатта тартиб қоидаларга амал қилган ҳолда фаолият юритса, у олдиға қўйган мақсадиға албатта эришади.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, Муҳтарам юртбошимиз Ислам Каримовнинг **“Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдир.”** китобида демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ҳақида сўз юритиб, **“халқимиз оммавий ахборот воситаларидан мамлакатимизда ва хорижда содир бўлаётган воқеалар тўғрисида ҳолис ва тезкор ахборотлар олишни, шу билан бирға, биринчи навбатда, ҳокимият органлари ва бошқарув тузилмалари фаолияти ҳақидатанқидий фикрларни, ислоҳотлар ва янгиланишлар йўлидан илғари боришимизға тўсиқ бўлиб турган нуқсонлар, ҳаётдаги долзарб муаммолар хусусида ошкора, профессионал материалларни кутади,”**¹⁶ деган эдилар.

Бугун томошабинни алдаб бўлмайди. У тасвирда кўраётган ва эшитаётган ахборотға нисбатан дарҳол ўз позициясини билдиради. Экран ортида ана шундай теран идрок соҳиблари борлигини назарда тутган ҳолда, аудиторияға, кенг жамоатчиликка ҳар қандай хабарни етказишнинг катта

¹⁵ Худойкулов М. Публицистика ва публицистик жанрлар.- Тошкент, 2009. 139-бет

¹⁶ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдир. Т.: Ўзбекистон, 2005, 18-бет

масъулияти борлигини айтиш жоиз. Айниқса, ток-шоу дастурлари бошловчилари олдига муайян талаблар қўйилган. Шунга кўра томошабин сухандон танлайди, десак муболаға бўлмас.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. Расмий ҳужжатлар ва материаллар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 47 б.
2. Оммавий ахборат фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Т., 2009.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 8 ноябрь 2005 йилдаги “Мустақил телерадиоканалларини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари:

1. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2008. - 366 б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.
3. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б.24.
4. Каримов И.А. “Оммавий ахборот воситалари кунига байрам табриги ” //Халқ сўзи, 2010 йил 26 июнь сони
5. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.:Ўзбекистон, 2010.

III. Асосий адабиётлар.

1. Ахборот тизимлари ва технологиялари. –Тошкент: «Шарқ», 2000. 592 б.
2. Ворошилов В.В. Журналистика. Учебник .- С.Пб. 1999.
3. Ибрагимов Ш.М. «Тележурналистика асослари» (Маърузалар матни) -Т.: ЎЗМУ 2000.
4. Фихтелиус «Журналистнинг 10 қондаси» Шарқ, 2000.
5. Мухаммедов М. ва бошқалар... Televidenie asoslari (лотин алифбосида) Т.: «Voriz-nashriyot», 2009

IV. Журнал ва газеталар.

1. Ўзбекистон матбуоти” журнали. 2010-2011 йиллар таҳлами

V. Интернет материаллари

1. [http:// www. press-info.uz](http://www.press-info.uz)

2. [http:// www.uz](http://www.uza.uz)/uz
3. [http:// www.google.uz](http://www.google.uz)
4. www.mtrk.uz.
5. www.ziyo.net